



Ислом Нури

АЛЛОХ ТАОЛО бизнинг **Раббимиздир. РАББ** яратувчи, тарбия килувчи, эга, дегани. Аллох бутун оламни яратган. У хамма нарсани парвариш килади, бокади, ўстиради. У оламнинг эгасидир. Аллохни ҳеч ким яратмаган. Унинг Ўзи аввалдан бор эди. Биз Аллохни Унинг исмлари, сифатлари оркали таниймиз ва Унга иймон келтирамиз. Унинг 99 та исм ва сифати бор.

Аллох яккадир. Унинг ҳеч бир шериги, ёрдамчиси йўқ. У ёрдамчига ҳам, бошка нарсаларга ҳам мухтож эмас. У ҳеч кимдан тугилмаган. Ўзи ҳам ҳеч кимни тугмаган. Унинг ота-онаси, аёли, ўгли, кизи йўқ. Унга тенг келадиган ҳеч ким йўқ. У ҳеч нарсага ўхшамайди.

Аллох - доимо тирик. У ҳеч қачон ўлмайди ва ухламайди. Ундан бошка хамма нарса ўлади. Аллох нимани хоҳласа тирилтиради, нимани хоҳласа ўлдиради. Одамлар, жинлар, хайвонлар, кушлар, баликлар, ҳашаротлар Аллохнинг махлуқотларидир. Махлуқот яратилган нарсалар, дегани. Махлуқотлар бор бўлиш учун Аллохга мухтож бўладилар. Уларга Аллох жисм, жон, ҳаво, сув ва овқат беради.

Аллох - одамларга меҳрибон. У ердаги барча нарсани одамзодга хизмат қилсин, деб яратган. У шамол ва булутларни юборади. Ёмгир-корларни ёғдиради. Океан-денгизларни сув билан тўлгизади. Дарёларни оқизади. Дарахтларни ўстиради. Одамларга нон бўлсин, деб бугдойларни етиштиради. Яна У меваларни пиширади. Гулларни очилтиради. Бизга овқат бўлиши учун ҳалол хайвонларни яратади. Ердан фойдали конларни чиқариб беради. Қасалларга шифо беради. Биз Уни яхши кўрамиз.

Аллох ҳаммадан қучли. Ер, осмон ва уларнинг ўртасидаги хамма нарсалар Аллохга бўйсунди. Қуёш, ой ва юлдузлар Аллох кўрсатган



Ислом Нури

йўлдан четга чикмайдилар. Бир-бирлари билан тўкнашиб кетмайдилар. Баъзан тепамизда момакалдирок гумбурлайди. Чакмок чакади. Осмондан олов келиб ерга урилади. Дарахтлар, уйлар ёниб кетади. Баъзан каттик ер кимирлайди. Иморатлар йикилади. Одамлар уйларнинг тагида қолиб кетадилар. Баъзи ерларга сел келиб, ҳамма нарсани сув оқизиб кетади. Буларнинг ҳаммасини ким қилади?.. Аллоҳ! Биз Аллоҳдан кўркамиз.

Аллоҳ ҳамма нарсани эшитувчи, кўрувчи, билувчидир. Аллоҳ ернинг устида, остида ва осмонда бўлаётган ишларнинг ҳаммасини кўриб, билиб туради. Шивирлаб гаплашилган гапларни ҳам эшитади. Коп-коронгида турган нарсаларни ҳам, ҳеч кимнинг кўзига кўринмайдиган зарраларни ҳам кўради. У одамларнинг дилларидан ўтган фикрларини ҳам билиб туради.

Аллоҳдан бошқа биронта худо йўқ. Худо, деб унга ибодат қилинадиган Зотни айтилади. **Ибодат**, деганда намоз ўқиш, рўза тутиш каби ишлар тушунилади. Одамлар Аллоҳни танишлари, Ундан кўркишлари, Унга ибодат қилишлари керак. Гуноҳ ишлардан тўхташлари шарт. Шунда Аллоҳ уларни балолардан асрайди. Агар одамлар Аллоҳнинг айтганини қилмасалар, У офат юборади. Ёмонларни халок қилади. Баъзан ёмонларга кўшиб яхшиларга ҳам бало юборади. Шунинг учун яхши одамлар ўзларидан бошқаларни ҳам Аллоҳнинг йўлига чакирадилар, ёмон йўлдан қайтарадилар.

2 - коида. Аллоҳ - ҳаммамизнинг Раббимиз. Дунёдаги ҳамма ишларни У бошқаради. Аллоҳ яқою ягонадир. Ундан бошқа ҳеч бир худо йўқ. Биз Аллоҳга ишонамиз ва ибодат қиламиз.



Ислом Нури

Аллоҳ Таоло ким? | 3

Саволлар

1. Аллоҳ кандай зот?
2. Аллоҳни нима учун танишимиз керак?